JIZZAX VILOYATI DO‘STLIK TUMAN HOKIMI QARORI

2021 - yil 17 - noyabr 85-3-47-Q/21 Do‘stlik tuman hokimligi

Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни 2022 йилда ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддаси асосида, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган “**Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш тўғрисида**”ги Низомга ва Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 10 майдаги 19-2019-Б-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан Дўстлик туманидаги корхона ва ташкилотларда 2022 йил мобайнида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 133 иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н

1. Ҳудуддаги ходимлар сони, 20 нафардан кўп ходимни ташкил этадиган корхона, ташкилот ва муассасаларда ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сонининг 10 фоиз (шу жумладан, ногиронлар учун камида 3 фоиз) миқдоригача иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган **“Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш тўғрисида**”ги Низомга асосан Низомнинг 3-бандига мувофиқ, корхона ва ташкилотларда жорий йилда ишга жойлаштириб бўлинган шахслар иш ўринлари 2022 йил учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринлари сонини белгилашда ҳисобга олинсин.

Шу жумладан:

- ўн тўрт ёшгача болалари бўлган ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун (7 фоиз 16 киши);

- умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари 10 фоиз (108 киши);

- ногиронлар учун 3 фоиз (4 киши);

- пенсия олди ёшидаги шахслар учун 7 фоиз (2 киши);

- жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар, 7 фоиз (2 киши);

- одам савдоси қурбонлари учун 7 фоиз (1 киши)

3. Шахсларнинг кўрсатиб ўтилган тоифалари учун иш ўринлари санитария-гигиена меъёрларига ва ходим ўз меҳнат мажбуриятларини тўсиқсиз бажаришини таъминлайдиган меҳнат қилиш шароитларига мувофиқ бўлиши керак.

4. Ташкилотлар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишга қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ушбу қарорнинг иловасига мувофиқ иш ўринларини ташкил этилишини таъминласинлар.

5. Корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари йил бошланишидан олдин 10 кундан кечикмай муҳтожларни ишга жойлаштириш учун муҳтожлар учун захирага қўйиладиган иш ўринлари умумий сонининг камида 25 (йигирма беш) фоизи миқдорида иш ўринлари захирага қўйилиши ва тайёрлигини таъминлаши**,** шунингдек, бу ҳақда йил бошлангунга қадар шаҳар Бандликка кўмаклашиш марказини хабардор қилиши шарт.

6. Муҳтожлар учун иш ўринларининг қолган қисмини захирага қўйиш ташкилот (иш берувчи) томонидан календарь йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминланади, бу ҳақда шаҳар Бандликка кўмаклашиш маркази биринчи чорак тамом бўлгандан кейин 10 кундан кечикмай хабардор қилинсин. Ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-кунигача туман Бандликка кўмаклашиш марказига Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шакл бўйича муҳтожларни ишга жойлаштириш тўғрисида ахборот тақдим этилсин.

7. Муҳтожлар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш бўйича туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг учун ушбу қарори бажарилмаганда, шунингдек, уларни ишга қабул қилиш асоссиз равишда рад этилганлиги учун ташкилотларнинг мансабдор шахсларига қонун хужжатларида белгиланган тартибда маъмурий жавобгарлик белгиланади.

8. Ижтимоий эхтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни квоталанган энг кам сонидан ортиқ миқдорда ишга қабул қилинган ташкилотларга ҳар бир ходим учун 12 ой давомида ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорида “Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси” хисобидан ҳақ тўлаш белгилансин.

9. Бандликка кўмаклашиш маркази директори (Ғ.Ийгиликов);

- беш кун муддатда ушбу қарорнинг 1-бандида кўрсатилган ташкилотлар раҳбарларининг эътиборига етказсин ва ушбу қарорни бажарилиши устидан назоратни таъминласин.

10. Мазкур қарор “Дўстлик ҳаёти” газетасида расман эълон қилинсин ва ҳокимликнинг www.jizdo’stlik.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилсин, шунингдек, “Дўстлик ҳаёти” газетаси таҳририятига, мазкур қарорнинг ижроси бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

11. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириши муносабати билан туман ҳокимининг 2020 йил 21 сентябрдаги
942-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари Б.Данияров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Ш.Дарвишев**

Дўстлик туман ҳокимининг
2021 йил 17 ноябрдаги
85-3-47-Q/21-сон қарорига
1-илова

Дўстлик тумани ҳудудида жойлашган корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат бозорида рақобатлашишга қодир бўлмаган ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларга 2022 йил учун белгиланган (барпо этиладиган) захира иш ўринлари тўғрисида

Т/Р	Корхона, муассаса ва ташкилотлар номи	Штатлар жадвалига асосан белгиланган ходимлар сони	01.08.2021 йил ҳолатига ишловчи ходимлар сони	Вазирлар Маҳкамасининг 05.12.2017 йилдаги 965-сонли қарорига асосан белгиланган меъёр асосида		Жами яратилиши керак бўлган квота иш ўрни	Шу жумладан,							10%	3%
							ўн тўрт ёшгача болалари бўлган ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун	умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун	сафарбарлик чақируви заҳирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун	ногиронлар учун	пенсия олди ёшидаги шахслар учун	жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун	одам савдоси қурбонлари учун		
				1	2									3	4
1	"NURLI-DON" mas`uliyati cheklangan jamiyati shaklidagi qo`shma korxonasi	45	45	2		2	1	1							
2	Do‘stlik tumani Adu Ali idn Sino homidagi jamoat salomatligi texnikumi	60	60	3	1	3	1	2							
3	Дустлик тумани хокимлиги "ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШКАРМАСИ"	110	110	5	1	5	1			1		2	1		
4	"DO'STLIK DON MAHSULOTLARI" aksiyadorlik jamiyati	298	298	14	1	14	2	10		1	1				
5	Do'stlik tuman Davlat sanitariya-epidemiologiya nazorat markazi	57	57	2		2	1	1							
6	Do'stlik tumani tibbiyot birlashmasi	634	634	32		32	3	26		2	1				
7	Do‘stlik tumani Xalq ta‘limi bo‘limi	40	40	2		2		2							
8	Do‘stlik tumani Musiqa va san‘at maktabi	35	35	2		2		2							
9	Do'stlik tumani 2-son umumiy o'rta ta'lim maktabi	75	75	3		3		3							
10	Do'stlik tumani 11-umumiy o'rta ta'lim maktabi	60	60	3		3	1	2							

11	Do'stlik tumani 4-umumiy o'rta ta'lim maktabi	65	65	3		3	1	2					
12	Do'stlik tumani 1-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	97	97	2		5	1	4					
13	Do'stlik tumani 16-sonli boshlang'ich ta'lim maktabi	33	33	1		1		1					
14	Do'stlik tumani 19-sonli boshlang'ich ta'lim maktabi	34	34	1		1		1					
15	Do'stlik tumani 5-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	69	69	3		3		3					
16	Do'stlik tumani 6-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	64	64	3		3	1	2					
17	Do'stlik tumani 8-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	55	55	2		2		2					
18	Do'stlik tumani 10-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	70	70	3		3		3					
19	Do'stlik tumani 12-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	56	56	3		3		3					
20	Do'stlik tumani 13-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	34	34	1		1		1					
21	Do'stlik tumani 14-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	77	77	3		3	1	2					
22	Do'stlik tumani 15-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	28	28	1		1		1					
23	Do'stlik tumani 18-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	48	48	2		2		2					
24	Do'stlik tumani 3-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	49	49	2		2	1	1					
25	Do'stlik tumani 7-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	61	61	3		3	1	2					
26	Do'stlik tumani 9-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	51	51	2		2		2					
27	Do'stlik tumani 17-sonli boshlang'ich ta'lim maktabi	36	36	1		1		1					
28	Do‘stlik tumani "RAYXON" maktabgacha ta‘lim muassasasi	33	33	1		1		1					
29	Do'stlik tumani 9-sonli "CHAROS" maktabgacha ta'lim muassasasi	29	29	1		1		1					
30	Do'stlik tumani 13-son "BAHOR" maktabgacha ta'lim muassasasi	39	39	1		1		1					

31	Do'stlik tuman "KABUTAR" 1-sonli maktabgacha ta'lim muassasasi	37	37	1		1		1					
32	Do'stlik tuman 2-sonli "YULDUZCHA" maktabgacha ta'lim muassasasi	38	38	1		1		1					
33	Do'stlik tumani "AYCHUREK" maktabgacha ta'lim muassasasi	32	32	1		1		1					
34	Do'stlik tumani "NIXOL" 14-sonli maktabgacha ta'lim muassasasi	32	32	1		1		1					
35	Do'stlik tumani "SHODLIK" 11-sonli maktabgacha ta‘lim muassasasi	31	31	1		1		1					
36	Do'stlik tuman "ЛОЛА" 3-sonli maktabgacha ta'lim muassasasi	36	36	1		1		1					
37	Do‘stlik tumani bolalar-o‘smirlar sport maktabi	46	46	2		2		2					
38	Do'stlik tuman "Tabassum" nomli maktabgacha ta'lim muassasasi	24	24	1		1		1					
39	Do'stlik tuman "Feruza"nomli maktabgacha ta'lim muassasasi	22	22	1		1		1					
40	Do'stlik tuman "Saodat"nomli maktabgacha ta'lim muassasasi	35	35	1		1		1					
41	Do'stlik tuman " Binafsha"nomli sog'lomlashtirish maktabgacha ta'lim muassasasi	40	40	2		2		2					
42	Do'stlik tuman "Qaldirgocn"nomli maktabgacha ta'lim muassasasi	27	27	1		1		1					
43	Do'stlik tumani 20-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	61	61	3		3		3					
44	Савдогар Банк	28	28	1		1		1					
45	Do'stlik madaniyat va aholi dam olish markazi	40	40	2		2		2					
46	Do‘stlik tumani "BARKAMOL AVLOD" bolalar markazi	33	33	2		2		2					
47	Дўстлик туман Мактабгача таълим бўлими	24	24	1		1		1					
	Жами	**3028**	**3028**	**130**	**3**	**133**	**16**	**108**		**4**	**2**	**2**	**1**